

Обод ва кўркам йўллар - Бағдод туманида

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси аҳоли кайфиятига тўғридан – тўғри таъсир қиладиган ўта масъулиятли соҳалардан бири ҳисобланади. Кейинги беш йилликда барча худудларда бўлгани сингари Бағдод туманидаги кўп квартирали уй-жойлар замонавий архитектура талаблари асосида таъмирланди.

Бугунги кунда, туманнинг Дўстлик мавзесидаги 14 та уйларнинг эскирган, таъмрталаб, ички йўллари тўлиқ янгидан асфальт қопламаси билан қопланди.

Натижада ҳудуд қиёфаси бутунлай ўзгарди. Равон ва кўркам, тунда ҳам кундузгидек ёруғ. Пиёдалар аввалгидек, ўнқир-чўнқир йўлда эмас, маҳсус йўлаклардан фойдаланмоқда. Аҳолига эрталаб ва кечқурун сайд қилиши учун имконияти яратилди.

Фарғона вилоят Қурилиш ва Уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси ахборот хизмати.

2023-07-31 18:58:55